

Сийрат дарслари (230-дарс) «Ота-онамни йиғлаган ҳолларида ташлаб келдим»



19:00 / 13.05.2023 2250

897. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Одамлар ичида ким менинг чиройли суҳбатимга ҳақлироқ?» деди. «**Онанг**», дедилар. «**Кейин ким?**» деди. «**Кейин онанг**», дедилар. «**Кейин ким?**» деди. «**Кейин онанг**», деб уч марта айтдилар. «**Кейин ким?**» деди. «**Кейин отанг**», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

898. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Бурни ерга ишқалсин, бурни ерга ишқалсин, бурни ерга ишқалсин**», дедилар. «**Эй Аллоҳнинг Расули, кимнинг?**» дейишди. «**Ота-онасини ёки улардан биттасини катта ёшлигида топа туриб жаннатга кирмагanning**», деяётганларини эшитдим».

Муслим ривоят қилган.

899. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди ва жиҳодга изн сўради. **«Ота-онанг тирикми?»** дедилар. **«Ҳа»**, деди. **«Бўлмаса, жиҳодни ўшаларда қил»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда бундай келган: «Бир киши Набиюллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди ва: «Сизга ҳижрат ва жиҳод ҳақида байъат қиламан ва ажрни Аллоҳдан сўрайман», деди. **«Ота-онангдан биронтаси тирикми?»** дедилар. **«Ҳа, икковлари ҳам»**, деди. **«Ажрни Аллоҳдан сўрайсанми?»** дедилар. **«Ҳа»**, деди. **«Ота-онангнинг олдига қайт ва икковларининг суҳбатини гўзал қил»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Бошқа ривоятда шундай дейилган: «Бир одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Ҳузурингизга ҳижратга байъат қилгани келдим. Ота-онамни йиғлаган ҳолларида ташлаб келдим», деди. **«Икковларига қайт! Уларни қандай йиғлатган бўлсанг, шундай қилиб кулдир»**, дедилар».

Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.